



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 16 июл, жума №95 (742)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муносабат

«ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИДАН УЛУГРОҚ БАХТ ЙЎҚ»

Азиз ва муҳтарам Президентимиз! Сизнинг оммавий ахборот воситалари орқали ҳар сафарги чиқишингиз - анжуманлардаги маърузаларингиз, журналистлар билан бўлаётган мулоқотларингиз миллитимиз шуурини ёритиб, халқимиз онгини ўстироқда. Сўзларингизни эшитиб, фикрларингизни мулоҳаза қилиб, Сиздек инсон Ватан тақдирига масъул бўлиб турганлигидан Оллоҳга беадаб шукроналар айтаман.

Истиқлол шарофати - мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан ақл шошади. Бунинг тараққийпарвар жаҳон ахли кўриб, тан олаётган бир пайтда мустақиллигимиз ганимлари, айрим «ўзимиздан чиққан бало»лар кўрламаяптилар. Бугун шу нарса аниқки, ҳақиқатан ҳам биз мустақилликнинг шодмон, тинч кунларига кўникиб, мафтун бўлиб юрверган эканмиз. Тинчлик, осудалик ўз-ўзидан бўлмаётган экан, феврал фокееси бунга яққол кўрсатди. Кимлардир ёнгинамизда биз билан нон-туз бўлиб, сирдан беозор кўриниб, дилда эса ёвуз ниятларини яшириб пайт пойлаб юрган экан. Яратганга шукрки, ёвузлик қиличи ҳавода муаллақ қолди, халқимиз хушёр тортиб, Сизнинг атрофингизда янада жипслашди.

Мен узоқ йиллар қишлоқ фуқаролар йиғинига раҳбар бўлиб ишлаганман. Худудимиздаги маҳаллалар, хонадонлардаги аҳволни, муҳитни яхши биламан. Меҳнат фаолиятим даврида фарзандларини кимдир ҳалол меҳнат орқали, кимдир ҳаром лўқма билан боқётганини, кимдир эса болалари тарбиясини буткул ташлаб қўганини ўз кўзим билан кўрганман. Сиз ўша ёвузлик содир бўлган кунларда, болалари қаерда юрганини билмайдиган ота-оналар нима қилиб ўтирибди, фарзандлари тақдирига шунчалик бепарқ қарайдими, деган гапларингизни мен мамлакатимиздаги ҳамма ота-оналарга қаратилган эътироз, деб қабул қилдим. Ва шу баробарида, биз кечиримли халқимиз, адашганлигини тан олиб, чин кўнгилдан тавба-тазарру қилиб келганларни кечирамиз, деган гапларингиз мангу тарихда қолажақдир. Ордан ҳеч қанча вақт ўтмай, Амнистия тўғрисида эълон қилган Фармонингиз давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг узвий давомидир. Амнистияда аёлларга нисбатан ҳам алоҳида имтиёз берилган. Бу - ҳақиқий мард ва олижаноб кишининг, валолат инсоннинг иши бўлди, десам хато қилмайман. Мен бир она сифатида аёлларга бўлаётган эътибор ва уларнинг амалдаги исботи учун Сизга минг бора ташаккур айтаман. Уйлайманки, бу миннатдорчилигимга юртимиздаги барча оналар, аёллар қўшилиса керак.

Мен нафақада бўлсам-да, лекин тинч тургим келмайди, маҳалладаги тўй-маъракаларда бош бўламан, ёш оилаларга панд-насихатлар қиламан. Менга юртимиз тинчлигидан, Президентимиз омонлигидан, болаларим тотувлигидан улук бахт йўқ, Илоҳим, яратган Оллоҳ Сизга узоқ-умр берсин ва қилаётган тарихий ишларингиз меvasидан баҳраманан бўлишимизни насиб айласин. Худодан шунга тилаб дуодаман.

Халима МАЛИКОВА, Сирдарё тумани, «Сирдарё» ширкатлар уюшмаси, меҳнат фахрийси.

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июл куни Оксарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игор Ивановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мазкур ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб


этишини таъкидлади. Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, минтақавий, халқаро муаммоларга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашил-

ди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабулда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

Суратда: Қабул пайти Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.



Пири бадавлатларимиз

Инсон ўз-ўзига тилсим. Бу тилсимот олдида одамзот доимо лол қолган. Йўқса, баъзида бир-бирига интиқ икки қалб бир - бирдан безор бўлмасди. Кўш қабутардек ҳамманинг ҳавасини келтириб юрган эру хотин ариза кўтариб судма-суд юрмасди.

Тўғриси, ана шундай жуфтликларни кўрганда, ярим аср ўтса ҳам, ёшлиқнинг қайноқ муҳаббати билан бир - бирларини ардоқлаб яшаётган пири бадавлат отахон ва онахонлар беихтиёр кўз олдимида гавдаланади. Уларнинг меҳр тўла кўзларига боқиб, болу новот сўзларини эшитиб

етмаган экан. Асли касби курувчи - бунёдкор бўлган Мамажон ота ўшанда ич-ичидан эзилган эди...

Урушлар тугаб, тинчлик замони бошлангач, яна ўз касбини давом эттирди. Кейинги пайтда бармоқ билан санарлик даражада оз қолган миллий ҳаммомларни тиклаш ва янгиларини қуришда фаол иштирок этди. Айниқса, бугунги кунда ҳам ўзининг файзу тароватини йўқотмаган, миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос обидасига айланган Муқимий номидаги мусиқали драма театри биносини қуришда қатнашгани билан отахон алоҳида фахрланади.

ОСУДА ДАМЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАС

тўймайсан, киши...

Тўқсон билан тўқнашиб, юзга юзланган Мамажон ота ҳамда саксон баҳорнинг сепини кўрган Соҳиба ая ана шундай ибратли кишилардан. Ярим асрки, Мамажон ота умрдошини «пари» деб эъзозлашни қўймайдилар. Ярим асрки, Соҳиба ая отахонни ардоқлаб чарчамайдилар.

Пойтахтнинг Миробод тумани Сарбон кўчасидаги 29-уйда истиқомат қилаётган бу оила чинданам ибрат олса арзигулик хонадонлар сирасига кирари. Маҳаллада бўладими ёки тумандаги йиғилишларда, бундан қатъий назар, Эргашхўжаевлар оиласи тилга олинаркан, кўпчилик ҳавас билан бир энтиқиб қўяди. Чунки Мамажон ота билан Соҳиба ая эллик йиллик биргаликдаги ҳаётлари давомида турмушнинг барча қийинчиликларига дош бериб, қувончу шодликларини тенг баҳам қўришди. Энг муҳими, чин инсоний умргузаронлик қилиб, элу юртга, Ватанга садоқатли фарзандларни тарбияладилар...

Мамажон ота бир эмас, нақ икки урушни кўрди. У бошда урушнинг қабоҳат эканлигини, у туфайли қон тўкилиши, болаларнинг етим, аёлларнинг бева қолишини билса-да, бунчалик кўп вайронагарчиликлар келтиришини англаб

Ҳозир қарилик гаштини сураётган Мамажон ота билан Соҳиба ая ат-



рофиди тўрт фарзанд ва уларнинг давомчилари бўлган 15 неварани битта эвара куну тун парвона. Ёшларнинг доно маслаҳатгўйига айланган бу табарруқ инсонлар фарзандлари туфайли эришган бахтни энг бебаҳо бойлик деб билишди.

Темир КУРБОН, «Ишонч» мухбири. Суратда: Пири бадавлатларимиз Мамажон ота ва Соҳиба ая бахтли оналар оғушида.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Галла — 99


Андижон вилояти галлакорлари давлат қабул нуқталарига 220 минг тонна дон топшириб, йиллик шартнома режасини муваффақиятли бажардилар.

Мамлакат ялпи хирмониға армуғон этилган доннинг 175 минг тоннаси республика фондига тегишли сара уруғлик бугдойдир. Дехқонлар режаға қўшимча 5 минг тонна дон сотиш топширигини ҳам адо этдилар.

Ўтган кузда 70 минг гектар майдонға экилган кузги бугдойнинг серҳосил навларидан

олинган ҳосилдорлик ўртача 70 центнердан ортиғи билан бажаришға муваффақ бўлди. Ўнлаб хўжалиқлар, юзлаб дончилик бригадалари ҳамда ижарачи звенолар ҳосилдорликни гектар бошиға 75-85 центнерға етказишға эришди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ



Фалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларға такрорий экинлар экиш, униб чиққанларини парваришлаш авж олдирилмоқда.

ФИДОКОР ЁШЛАР КУБОГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммавийлигини оширишға қаратилган қарорига амалий жавоб тариқасида Фидокорлар партияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг ташаббуси билан «Фидокор ёшлар кубоги» учун мусобақалар бошланди. Ўн кун давомида Нукус, Чимбой, Кўнғирот ва Беруний шаҳарларида футбол, шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича худудий беллашувлар ўтказилади. Яқунловчи мусобақалар эса Нукус шаҳрида бўлади.

Ҳосилдорлик режасини муваффақиятли бажариш

... Тезкор гуруҳ инспекциясига тушган маълумотнинг қанчалик тўғрилигини аниқлаш учун А.Икромов туманидаги Богистон кўчаси томон йўл олди. Маълумот берган одам ҳақ экан. Солиқчилар қириб келишганда хонадон соҳибни Т.Азимов қўлбола қандолат цехи олдидаги бостирмада турли хил ширинликларни уриб пуллаётган эди.

Солиқчиларнинг кўзи олдида бир харидор 120 килограмм қандолат маҳсулотларини харид қилиб 46,8 минг сўм ташлаб кетди. Шундан кейин солиқчилар текширувға киришдилар.

Кўлбола цех давлат рўйхатидан ўтмаган экан. Цех соҳибни шу боис тегишли ҳужжатларни кўрсатолмади. Даромад ҳам «беғона» бўлмас экан. Фақат Т.Азимовнинг чўнтағига тушапти.

А.Икромов туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари цехдаги асбоб-ускуналар ва хомашёларни кўздан кечириб ёқа ушлаб қолдилар. Шакарнинг ўзидан 4,2 тонна ғамлаб қўйилди. Турли ёрликли 1,3 тонна конфетлар сотувға тахт турибди. Яна 422 килограмм конфет ўраладиган ёрликлар қоғоз қутиларға босиб қўйилган. Икки паллали тош-торозилар давлат стандарти қўригидан ўтмаган, қандолатға ранг берувчи 8 банка бўёқлар ва қакао қуқини ҳам хўфя йўллар билан олиб келинган.

Цехда ўрнатилган ускуналарнинг қўлда ясалганлиги шундай билиниб турибди. Асбоб-ускуналар ва жиҳозлар айқашуйқаш. Ён-атроф филос. Шундай аҳволда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилар экан.

Рухсатсиз ва ҳужжатсиз цехдан шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланиб келган сохта тадбиркор энди қилмишиға яраша жазосини олади.

Худди шундай ҳолни Зағиота тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам шош этди-

лар. Тумандаги «Иттифок» қишлоқ фуқаролар йиғиниға қарашли «Тарнов» маҳалласи фуқароси Абдулхай Ғаниев номаълум кишилар билан тил бириктириб, шу ердаги жоме масжиди ертўласида қандолат

Шундай эътиборсизлик оқибатида Ангрен шаҳар фуқароси Муҳитдин Умаралиев такроран ноқонуний ишға қўл урди. У ўтган йилнинг сентябрида эшигининг тағида 20 литр бензин

Менга сен тегма, сенга мен тегмай Бу чиркин одатдан қачон қутиламиз?

цехи очиб, энди яйрайман, деганда унинг қонунсиз фаолиятиға чек қўйилди.

Солиқчилар кузатув ўтказишган кунни Абдулхай харидорға 96,5 килограмм новот, 30 килограмм новот дури, 27 килограмм қарамел сотиб 44 минг 700 сўм санаб олаётган эди.

Текширув пайтида маҳфий цехдан яна 62,9 минг сўмлик тайёр маҳсулот чиқди. Қандолат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун ишлатилаётган 191 минг сўмлик хомашё ҳам далилий ашё сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Бундай воқеаларни эшитиб ҳайрон бўласан киши. Наҳотки қонунбузарларнинг хатти-ҳаракатлари маҳалладошларға маълум бўлмаса. Қандолат хомашёси қайнаган пайтида ўзига хос ҳид чиқаради, ҳаридорлар шу хонадонлардан аримай қолади, қандолатфурушларнинг юриштуриши ўзгаради. Негадир кўни-кўшнлар «сен менга тегма, мен сенга тегмай» кабилида иш тутиб ноқо-

нуний йўлга кирган ёр-биродарлари қўлга тушгунча, уларнинг устидан жиноий иш қўзғалмагунча ҳеч нарса қўрмагандек бўлиб тураверадилар. Ҳажоатнинг олдини олмайдилар. Адашган одамни тўғри йўлга солмайдилар.

Шундай эътиборсизлик оқибатида Ангрен шаҳар фуқароси Муҳитдин Умаралиев такроран ноқонуний ишға қўл урди. У ўтган йилнинг сентябрида эшигининг тағида 20 литр бензин

да қонун устувор эканлигини бугунги кунда ҳар бир фуқаро билиши шарт. Ҳар ким қилмишиға яраша жазосини олади. Агар маҳалладошлар Муҳитдиннинг эгри йўлдан вақтида қайтариб қолганларида бундай қўргулик бўлмасди.

Майли, Муҳитдин қонун-қоида ни яқин билмас дейлик. Лекин оқ-қорани таниган, олий маълумотли иқтисодчи, Чиноз туманидаги «Эшонобод» жамоа хўжалиги таъминотчиси Маҳмуд Аҳмедовни нима жин урди экан. У тумандаги «Пахта» нефт корхонасидагилар билан тил бириктириб, ҳужжатсиз 4850 литр дизел мойи ортан машинани жамоа хўжалигидаги хонадонларнинг бириға олиб кирган пайтида солиқчилар қўлиға тушди.

Дарҳол суриштирув ишлари бошланди. Афсуски, Маҳмуд солиқчиларға бир парча ҳам ҳужжат кўрсатолмади. «Эшонобод» жамоа хўжалигидан олинган катта миқдордаги мойға эҳтиёж ҳам йўқ экан. Чунки, бу хилдаги мойни моторга ишлатиб бўлмас экан. У ҳолда хўжалик таъминотчиси шунча мойни нима мақсадда нефт корхонасидан олиб чиққан? Ҳозир терговчилар шу муаммонинг тағига етишяпти.

Шу воқеа туфайли дупна-дуруст одам раҳбарлару ёр-биродарлари олдида ишончини йўқотди-қўйди. Ён-атрофдагиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги оқибатида имони суст ёшлар қинғир йўлларға кириб, бир умр бўйинларини тавқи лаянат тошини илмоқдалар.

Оғоҳ бўлайлик, фарзандларимизни ёмон йўллардан асрайлик. Кейинги пушаймон ўзимизға душман эканлигини унутмайлик!

Жасур НОСИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Аёли бор уйнинг фариштаси бор, дейдилар.

Туман аёллари ўзларининг оила ва жамиятдаги мавқеини мустақамлаш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотларда 35 та, хўжаликларда - 17 та, мактаблар, касб-хунар лицейларида 76 та хотин-қизлар кенгашларига бириктирилган. Аёлларни ишга жойлаштириш, уларга етарли меҳнат шароити яратиш, соғлигини муҳофаза қилиш ва дам олишини ташкил этиш, уларни иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом авлоднинг шакллантириш, соғлом наслни сақлаш, экология маданиятини ривожлантириш, оила мукаддаслиги, никоҳ

барқарорлигига эришиш, даромадга қараб оилани режалаштириш каби масалалар доимо диққат марказимизда.

«Энг поэтика хонадон», «Энг ибратли келинчақ», «Аёл-кўнгил малҳами»,

зилган «Энг ибратли келинчақ» кўрик-танловиде эса жойлардан 8 нафар келинчақ қатнашди. Танловда биринчи, 2 та иккинчи, 3 та учинчи ўрин фойдалари аниқланди. Улар болаларга экологик

Пайгамбаримиз ҳам «аввало онангга, онангга ва яна онангга яхшилик қил» деб бежиз айтмаганлар. Вилоят «Соғлом авлод» жамғармаси билан узоқ Олтинсой, Лангар, Пўлкан, Учқора

лари, кенг тушунтириш ишлари шубҳасиз самарасиз қолмапти.

Маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раисларидан Чинободлик Раъно Ҳамроқулова, дамариқлик Уктама Маматова, «Оқ олтин» жамоа хўжалигидан М.Нарзуллаева, «Олтинсой» жамоа хўжалигидан М.Абдуллаевалар етакчилигида ўтказилаётган тадбирларда бош мавзу ёшларни ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлиб етишиши, аёлнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, никоҳ барқарорлигини таъминлаш ва оилани мустақамлашга қаратилди.

Х.ТОШПҮЛТОВА,
Туман оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАДА

«Аёл-оила чироғи» каби мавзуларда ўтказилган кўрик-тадбирлар барчада яхши таассурот қолдирди. Тўй ва маросимларни ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказишда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги хотин-қизлар кенгашлари жонлангирди. Яқинда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг ибратли келинчақ» кўрик-танловиде эса жойлардан 8 нафар келинчақ қатнашди. Танловда биринчи, 2 та иккинчи, 3 та учинчи ўрин фойдалари аниқланди. Улар болаларга экологик

таълим -тарбия беришда аёлнинг роли, шарқона урф-одатлар, миллий либосларни ҳаётга тадбиқ қилиш, пазандачилик, мусиқа чалиш, ашула айтишда баҳслашди. Кўрик-танловда С.Раҳимов номли маҳаллалик Моҳира Қаландарова голиб деб топилди.

қишлоқларида оналарга техник амбулатория хизмати кўрсатишнинг қай аҳволдалиги таҳлил этилди. Оналар соғлигини мустақамлашни тиббиёт ходимларисиз тасаввур қилиш қийин. «Аёл соғлиғи» ва «Оилани режалаштириш» мавзуларида ҳамкорликда олиб борилаётган давра суҳбат-

«БУ ҚУРИЛИШЛАР ТУШИМИЗГА ҲАМ КИРМАГАН»

Хўжаликка 1993 йилдан бери раҳбарман. Уша йили кўзланган режаларни тўла бажарган бўлмасак-да - барибир одамлар кўз ўнгиде ўзгариш сезилди. Ракамларни санаб ўтирмайман. Кейинги бир йил йўқки, пахта, галла, сабзавот, мева, пилла ишлаб чиқариш вазифаларини уйдаламаган бўлсак. Мустақилликнинг 8 йиллиги арафасиде хўжалик давлатта 2031 тонна ўрнига 2446 тонна галла топшириб, бу борадаги режани 120 фоизга бажарди. Пилла топширишда ҳам муайян натижалар қайд этилди. Бу йил пахтакорларимизнинг ҳам шахди баланд. Далаларда режани 150 фоиз қоплайдиган ҳосил тўпланган. Албатта, қилаётган барча эзгу ишларимиз одамлар, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Шунинг учун ҳам аввало иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш йўлга қўйилди, биргина ўтган йили ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга - 91570 сўм хўжалик ҳисобидан ажратилди.

1999 йилнинг шу давригаче бу кўрсаткич 91775 сўмни ташкил этди. Хўжалик ҳудудиде 3 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Уларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни жамоа ўз зиммасига олган. Аҳоли хонадонларининг шу кунгаче 95 фоизи газлаштирилди. Қолган хонадонларни газлаштириш давом этмоқда. Шунингдек, хўжалик ҳудудидеги 13 километр масофадаги хонадонлар сув билан таъминланди. Мустақиллик кунигаче аҳолига яна бир кулайлик - 640 ўринли 3 та мактаб ва қишлоқ врачлик пунктини қуриб фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтсак, қилинган ишлар ҳали жуда оз, қилинажак ишлар эса беҳисоб.

Ибодулла МУСТАФОВЕВ,
Эшмурод Абдиев номли ижара хўжалиги раҳбари.

Ўйлайманки, ҳар бир одам ёруғ ҳаётга эришиш, мустақил тараққиёт йўлида бўлаётган ишларимизга тўғри ва муносиб баҳо беради. Юртимиздаги буюк ўзгаришларни кўрган инсофли, иймонли, зийрак ҳар қандай инсоннинг кўнглидан беихтиёр: «Эй одамзод, кўзингни оч, ношуқурлик қилма, бу ҳаётнинг қадрига ет», деган ўй-фикрлар ўтади.

Ислом КАРИМОВ.

Хатирчи туманида меҳнатқил ижтимоий ҳимоялаш, янги иш ўринлари барпо этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тажрибасидан

Баҳриддин ШАМСИЕВ,
марказий шифохона касаба уюшма кўмитаси раиси.

МОМОЛАРИНГ БОР БЎЛСИН, ЭЛИМ!

— Дорилмон кўнларга етказганига минг қатла шукр, -дея фотиҳага қўл очади Янгиработ шаҳрида яшовчи 102 ёшли Тўхта момо Рўзи кизи, - Олдоҳим, юртимизга тинчлик, молду-жонга омонлик берсин, туртқишимиз дунё тургунча турсин.



Салгина қийинчиликдан нолиганларни кўрсам «тавба» дейман. Биз бошимизда «коллективлаштириш» Битта эшаги бор одамни ҳам бой деб Сибирга сургун қилишган. Куласана-куласан, сенга эрта. Менинг айтсам, тилим-айтмасам дилим қуяди, сал бошини кўтариб тўри гапни айтган одамни «буржуй», «душман» деб қатагон қилишди. НК-ВД «ёт унсур»ларни кечаси уйдан босиб кетавериб, бечоралар «бугун бор - эр-

тага йўқман» деб юрак ҳовучлаб қолган эди-да. Кейин уруш бошланди. Не-не эр йигитлар урушга кетди. Чимликдикча кирмай, жанозасиз кўмилди кўп шўриқлар.

Уруш тугаса яхши кўнлар келар дедик. Қайда, яна - қама-қама... То Исталин ўлимигаче давом этди.

Сўнг ғалат-ғалат замон бошланди. Юқоридан фармон бўлди шекилли, ҳамма жойга маккайи екишди. Бировнинг экинига тушганим, эчкини душман деб эълон қилишди. Булар ғўра, шўйити-шўйити ўтар девдик. Бўлмади. Афғон урушини бошлашди. Бағримиз яна қора қон бўлди... Шукр, ёруғ кўнлар ҳам

бор экан. Кўқрагимизга ҳурлик шамол теғди. Бундай замон қайда теғди, боллам. Айтганимни айтсанг, еганимни еб - ичганимни ичсанг. Нима иш қилман, десанг ҳеч ким йўлингни тўсмаса. Ношуқр бўлма, меҳнат қил...

Икки асрни қаршилаётган момо тетик ва бардам. Ўтган кўнлардан, бугундан 15 неваре, 45 неваре, 1 эвараси борлигидан бурро-бурро сузлайди. Йикилсанг сунарадиган, йиғласанг кўз ёшларинг артадиган ўзбек давлати ва унинг доно ва тани йўлбошчиси дунё тургунча турсин, деб дуо қилди.

Момоларинг бор бўлсин, элим!

Ўтган қисқа давр мобайнида қарийб 100 километр ўта юқори кучланлиш 35-110 квадрат электр ҳаво линиялари қурилиб ишга туширилди. Натижада туманни икки томонлама электр энергияси билан таъминлаш имконияти пайдо бўлди.

Туманда мавжуд бўлган 918,7 километр 10 квадрат 692 километр паст-қучланиш ва 574 донна трансформатор нуқталарини юз фоиз қайта қуриш лойиҳалаштирилди. Шу кунгачега - улардан қарийб 60 фоизи қайта қурилди.

Туманимизда янги электр устаконалари очилди ҳисобига улар соғини бештага етказилди.

ҚИШЛОҚЛАРНИ ЧАРОФОН ЭТИБ

4 та устакона янги замонавий бинода ишламоқда.

Корхонамиз 1991, 1992 йилларда Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазирлигиде 199 та туман электр тармоқлари орасиде ташкил қилинган мусобақаде 3-ўринни, 1993, 1994, 1995 йилларда 2-ўринни эгалладиде ва ҳар бир ишчи ойлик маошининг 75 фоизи миқдориде мукофот пули билан тақдирланди.

1996 йил мусобақаде ташкилотимиз энг юқори кўрсаткичга эришиб, 1-ўринни эгалладиде ва «энг яхши электр тармоқлари» унвони берилди, мукофот ҳам шунга яраша бўлди.

1997 йилда иккинчи ўринни, 1998 йилда эса туман электр тармоқлари энг юқори кўрсаткичлари учун республика Энергетика вазирлиги томонидан 2 та «Тик» русумли автомобил билан мукофотланди.

Х.НУРИДИНОВ,
электр тармоқлари бош муҳандиси.

ОМОН БЎЛИНИ

«ЭР-ЭР»

Тумандаги «Эр-эр» фольклор-этнографик дастасининг ҳар бир чиқиши шинавандаларга завқ-шавқ улашаётгани бежиз эмас. Даста дастуридан жой олма қўшиқ ва лапарлар йиллар давомида сайқалланиб, ҳило берилди. Бир неча танловларда голиб деб топилди, халқ ижодиёти ва санъати фестивалларида совринли ўринларни эгаллаган, собиқ Чехословакиядаги «Дўстлик кўнлари» иштирокчиси бўлган «Эр-эр» дастаси ушбу йилнинг июн ойиде республика фольклор-этнографик дасталарининг кўрик-танловиде қатнашиб, фахрли учинчи ўринни олгани айниқса қувонарли ҳолдир.

Етти ёшдан етмиш ёшгаче бўлган 40 нафар даста қатнашчилари яқин кўнларда ойна жаҳон ва радио орқали ўз дастуриларини намойиш этишади.

Фулум МУҲАММАДИЕВ,
маданият бўлими бошлиғи.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Хатирчи тумани ҳокими Абдуғани Сафаров билан мулоқот.

— Абдуғани ака, қаерда, - олис Зарафшондами, тоғли Олтинсой Учқорадами, қайси меҳнат жабҳасиде бўлмайлик, одамлар кўтаринки кайфият билан ишлаётганининг гувоҳи бўлди.

Бутун мамлакатимиздаги сингари туманимизда ҳам барча соҳаларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг билан ишонч билан айтиш мумкинки, хатирчиликлар ўз олдидеги қўйилган вазифаларни ҳалол ва виждонан уйдалашмоқда. Кечанига галла сотиш давлат бююртмаси бажарилди, қабул пунктларига 17 миң тонна сара дон топширилди.

Бу йил пахтакор, деҳқон пиллакорлар учун чинакамга синов йили бўлди. Баҳордаги қора совуқ бир қисм пахта, галла майдонларига, туззорларга жиддий шикаст етказди. Галлакорларимиз ишловни қучайтириш ҳисобига ҳосилдорликни оширдилар.

Ижтимоий инфраструктура янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган тадбирлар ижроси қандай?

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида туман марказига Дамхўжа тармоғидан сув олиб келинди. Мана икки йилдирки янгиработликлар Дамхўжа сувидан баҳраманд бўлишмоқда. Сув тармоғини бошқа хўжаликларга ҳам тортиш мўлжалланган. Ҳозир Амир Темур номли жамоа хўжа-

лигига қувур тортилмоқда. Газлаштириш 1990 йилда туманда бор-йўри 15 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 75 фоизга етди. Бундан ташқари қисқа фурсат ичиде 11 миллион сўмлик Япония усуналари асосиде янги телефон алоқаси ишга туширилди. Сигими 18,5 миң тоннага мўлжалланган янги омбор шу йил фойдаланишга топширилди. Кейинги пайтда ички йўллар ва кўприклар қурилишига эътибор қучайтирилди.

Ана шу мақсадлар учун 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бир йил ичиде бажарилган иш эса аввалги ўн йиллар давомида қилинган ишлар ҳажмига тенгдир.

Шунингдек, мустақиллик байрами кунигаче қўллаб маиший хизмат нуқталари, қишлоқ врачлик амбулаториялари, фельдшерлик- акушерлик шохбачалари, халқ банк, солиқ инспекцияси маъмурий бинолари фойдаланишга топширилди.

Меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш ўринларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларини туманда қай йўсинда ҳал этилади?

Яширмайман, жуда оғирлиқ жойдан олдингиз, туман ҳокимлиги, хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, туман касаба уюшмаси ва бандлик бўлиmlарни кунига ўнлаб шу хилдаги саволларга жавоб ахтаришмоқда. Бирдан «ха» деб жавоб қайтариш қийин. Чунки, туманда 152 миң аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг бир қисми мўқим иш ўринлари-

га эга эмас эди. Табиийки, қишлоқ хўжалигиде ишловларнинг ўтказилиши уларнинг маълум бир қисми қисқаришига олиб келади. Бу - бозор иқтисодиёти талаби. Хайриятки, кўпчилик одамлар бунни тўғри тушуниб етишди. Ҳокимликка аниқ тақлиф билан кичик корхона, хунармандчилик шохбачаси ва ҳокзазо очиш мақсадида ёрдам сураб келишаётгани одамлар янги гича фикрлай бошлагани исботи эмасми!

Туман ҳокимлиги давр ўртага қўяётган муаммоларни эътиборга олган ҳолда дастур белгилди. Жумладан, ҳозир туманда 590 та фермер хўжаликлари бўлиб, ғўшт, сўт, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни янада қучайтириш мақсадида Уртачул массивидан уларга 1000 гектар ер ажратилди.

Кичик корхоналар имкониятларини кенгайтириш ҳам янги иш ўринлари яратишга замин яратмоқда. Ярасалан, «Учқун» кичик корхонаси филиалларининг жойларда очилиши, уй-рўзгор ишидан чиқолайдиган аёлларга шартнома асосиде иш бериш шулар жумласидандир.

Келажақда янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига миңлаб одамларни иш билан таъминлаш имкони туғилди. Шу мақсадда Пўлкан шoir номли жамоа хўжалиги ҳудудиде сигими 18,5 миллион куб метрга мўлжалланган Кўқсарой сув омбори қурилиши бошлаб юборилди.

Худудингиздаги тоғли Санги Жума деган жойда тошда қадимги одам изи топилган. Худди шу ердаги оғирлиги 230-250 тонналик тошиқтошни ёш бо-


ла ҳам тебратилиш мумкин, лекин бир метр кенгликдаги тош тешигидан ҳамма ҳам ўтолмас экан. Демокчиманки, олам сиру-синоатта тўла. Уларнинг ечимини топиш учун шубҳасиз билим керак...

Нима демокчилигини тушунидим. Ёшларни илм-фан, касб-хунарга йўналтириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш қандай демокчисиз-да?

Президентимиз Ислом Каримов эртанги кун тақдири бугун мактабда ҳал этилаётганини қайта-қайта уқтирдилар. Шу мақсадда тумандаги мавжуд мактаб, лицей ва коллежларда ўқиш-ўқитиш ишлари бутун чоралар билан яхшилланмоқда. Ҳар бир ўқув даргоҳига хомий корхона, ташкилотлар бириктириб қўйилган. Мактабларни тоза ичимлик суви, газ билан таъминлаш доимий назоратга олинган.

«Камолот», «Умид» жамғармалари ва хомий ташкилотлар ёрдамида ўтказилаётган республика кўрик-танловларида иқтидорли ёшлар иштироки таъминланмоқда. 7-мактабдан Манзура Иноятова, 44-мактабдан Соҳида Эрназарова, 54-мактабдан Дилрабо Йўлдошева, 13-мактабдан Бехроҳ Қудиров, 84-мактабда ўқувчиси Жамшид Уриновлар Республика, туманимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож одамлар, ногиронлар, боқувчиси йўқотганлар доимий эътиборда бўлмоқда.



Суратда: уста Рустам Алиев.
А.ЭЛИМҲУЛОВ олган сурат.

ОЛТИНСОЙНИНГ ШИФОБАХШ МАЪДАНИ

Олтинсойликлар 1978 йилнинг ёзида гаройиб манзаранинг шохиди бўлдилар. Ичимлик суви топилиши билан бурғилиш ишлари олиб борилаётган жойдан қўтилмаганда 67 градус иссиқликдаги қайноқ сув отилиб чиқди. Текдиринш натижада сув ошқозон, ичак, диабет касалликларини даволашда ўта зарур калий, кальций, натрий, фтор, барий, брон, калий хлор ва бошқа шифобахш минералларга бой эканлиги аниқланди. Мана 15 йилдирки, унинг базасиде физиотерапия шифохонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, оналар ва болалар профилактикаси учун лойиҳа ишлари бажарилган. «Семашко» илмий-текшириш институтининг бу ерда филиалини очиш тарафиде қўрилмоқда.

"QIZILQUM - RUS - NUR" Q.K.

OLTIN SOY

SHIFOBAXSH MINERAL ICHIMLIK SUVI

0.5 L

SAQLASH MUDDA TI - 1 YIL 20°C DA SAQLANADI

НИГОРА ХУСАИНОВА

Билиб қўйган яхши

* Бир литр океан сувида эриган ҳолдаги 35 грамм ҳар хил туз бор. Океан ва денгизлардаги ҳамма сув буғланиб кетгудек бўлса, уларнинг тубида 14 каватли уйнинг баландлигига тенг келадиган туз «тоғлари» ҳосил бўлади.

* Янги ёққан бир куб метр қорнинг вазни 100 килограмм, шунча ҳажмдаги сувнинг оғирлиги эса бундан ўн марта ортиқ бўлиб, бир тоннага тенгдир.

* Дунёдаги барча муз қатламнинг ўртача қаллиғи 50 метр бўлиб, агар уни эритадиган бўлсак, 1500 миллиард тонна кўмир керак бўлади. Шунча микдордаги кўмир эса бутун ер қурсида ҳам йўқдир.

* Туя бир йўла 250 литр сув ича олади.

* Шундай энгил сунъий толалар борки, улардан сув 100 марта оғирдир. Бундай толалар қўлингизнинг пўстин атиги 400 грамм, иссиқ оёда эса 180 грамм келади.

* Янги ёққан бир куб метр қорнинг вазни 100 килограмм, шунча ҳажмдаги сувнинг оғирлиги эса бундан ўн марта ортиқ бўлиб, бир тоннага тенгдир.

* Дунёдаги барча муз қатламнинг ўртача қаллиғи 50 метр бўлиб, агар уни эритадиган бўлсак, 1500 миллиард тонна кўмир керак бўлади. Шунча микдордаги кўмир эса бутун ер қурсида ҳам йўқдир.

* Туя бир йўла 250 литр сув ича олади.

* Шундай энгил сунъий толалар борки, улардан сув 100 марта оғирдир. Бундай толалар қўлингизнинг пўстин атиги 400 грамм, иссиқ оёда эса 180 грамм келади.

* Янги ёққан бир куб метр қорнинг вазни 100 килограмм, шунча ҳажмдаги сувнинг оғирлиги эса бундан ўн марта ортиқ бўлиб, бир тоннага тенгдир.

* Дунёдаги барча муз қатламнинг ўртача қаллиғи 50 метр бўлиб, агар уни эритадиган бўлсак, 1500 миллиард тонна кўмир керак бўлади. Шунча микдордаги кўмир эса бутун ер қурсида ҳам йўқдир.

* Туя бир йўла 250 литр сув ича олади.

* Шундай энгил сунъий толалар борки, улардан сув 100 марта оғирдир. Бундай толалар қўлингизнинг пўстин атиги 400 грамм, иссиқ оёда эса 180 грамм келади.

АНТИКА МУКОВА

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.


Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.

Биз айтмоқчи бўлган китобга нима қилманг, у ўз кўрғинини ўзгартирмайди. Муковасига бирор нарса суркалгундек бўлса, уни сув билан ювсангиз, яна аввалгидек яриқрайверади.

Бунинг сирини жуда содда. Китобнинг муковаси полихлорвинилдан ясалган, саҳифалари эса каптон ип билан тикилган. Хатто китобга ишлатилган элим ҳам махсус тайёрланган. Бундай китоблар Россиядаги босмаханалардан бирида чоп этилган.



Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабаси уюшмалари Тошкент вилоят кўмитаси айтиши пайтда ўз атрофида 89 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган бўлиб, унинг 50 минг нафарга яқин аъзоси бор. Айтиши пайтда мазкур тармоқда 7 та профилакторий фаолият кўрсатмоқда. Чирчиқдаги «Электримёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 140 ўринли, Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига қараши 100 ўринли, «ТошГРЭС»га қараши 60 ўринли профилакторийлар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида профилакторийларимизга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий сўғурта маблағи ҳисобидан 22 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди, дейди тармоқ вилоят кўмитасининг раиси Мавжуда Халилова. - Биз ҳар қандай йўл билан бўлмасин профилакторийлар фаолиятини яхшилашга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Чунки улар кўндалмайдиган фаолият кўрсатса, фақатгина ишчи-хизматчиларнинг соғлиқлари мустаҳкамланиб қолмай, балки ишлаб чиқаришдаги меҳнат кунларининг йўқотилиши камайиб, иқтисодий самарадорлик ошади ва касб касалликларининг олди олинади.

Дарҳақиқат кейинги пайтларда ҳукуватимиз томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш учун барча чоралар кўрилувчи бўлди. Оқибатдаги гаплардан кўриниб турибдики, корхоналар қандайдир санаторий-профилакторийлар бунда муҳим аҳамият касб этади. Хўш шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ана шу саломатлик масканлари қандайдир фаолият кўрсатмоқда? Биз уларнинг бири билан яқиндан танишиш мақсадида Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдик.

Соғ-салқин, ғир-ғир шабада эсиб турган профилакторийнинг ҳовлисига кириб борганимизда, вақт

Касабаси уюшмалари шифо масканларида

пешинга яқинлашиб қолганди. Атрофдаги дарахлар, гуллар дид билан парварши қилинган. Ҳовлидаги ўриндиқларда шифо олаётганлар суҳбат қуриб ўтиришибди.

Мен-Умринисо Давронова, бирлашманинг сув билан таъминлаш ва канализация цехида машинист бўлиб ишлайман, дейди истараси иссиқина 30 ёшлардаги аёл. - Айтиши пайтда кизим Дилдора билан бу ерда дам оляпмиз. Шароити ниҳоятда яхши. Шу боисдан ҳам ҳар йили шу

Профилакторийни айландик. Ҳар бир қаватда кенг йўлакча телевизор қўйилган. Шахмат-шашка ишқибозлари эса алоҳида хонада дона суришмоқда.

Соғлиқларини тикловчилар учун бу ерда барча шароит яратилган, дея хикая қилади Бош шифокор Татьяна Мушнина. - Муолажа хоналаримиз замонавий тиббиёт ускуналари билан тўла жиҳозланган. Беморлар бўш пайтларда телевизор қўришлари мумкин. Теннис майдончамиз

ликнинг бошланиш ҳолатлари аниқланса, дарҳол рўйхатдан ўтказилиб, бизга даволаниш учун йўланма берилади.

Яна бир афзаллик томони шундаки, ишчи-хизматчиларимиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бу ерда даволанишлари мумкин. Профилакторийимиз билан корхона оралиғидаги масофа 5 километрча келади. Махсус автобус уларни кечкурун олиб келиб, эрталаб ишга олиб бориб қўяди. Шунга ҳам таъкидлаб ўтиш керакки,

қўйдим. Уқалаш хоналари ҳам ишлаб турибди. Айтишча, стоматология хонасини айтмайсизми. Ундаги жиҳозлар Германиянинг «Кав» фирмасидан келтирилган. Унинг афзаллик томони шундаки, одатда тишга пломба қўйилса, 2 соатга оқватланиш мумкин эмас. Мазкур «Атлантика» жиҳозидида шифокор даволаб бўлгач, таом истеъмол қилавериш мумкин. Бундан ташқари у оғриқсиз даволайди. Кислородли коктейл хонаси ҳам ёш-қарилар билан гавжум.

Йилнинг биринчи ярмида мазкур профилакторийимизга ижтимоий сўғурта маблағи ҳисобидан 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди ва 653 киши соғломлаштирилди, дейди корхона касабаси уюшма кўмитасининг раиси Николай Авдеевко. - Бизнинг асосий мақсадимиз унинг фаолиятини яхшилаш орқали касб касалликлари кўпайишини олдини олишдир. Шу билан бирга профилакторий яхши ишлаётганлиги учун ҳам корхонамизда касаллик варақаси камайиб, ишлаб чиқариш интизомини яхшиланмоқда. Маълумки бу йил Президентимиз ташаббуси билан

«Аёллар йили» деб эълон қилинди. Шу боисдан ҳам гинекология касаллиги билан оғриган беморларнинг ҳамда она ва болаларнинг даволашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, санаторий-профилакторийларни жиҳозлаш, таъмирлаш, сув ва электр энергияси билан таъминлаш ва бошқа сарф-харажатлар ҳужалик ҳисобидан амалга оширилади. Миждоларнинг оқватланиши, даволанишлари ҳамда тиббиёт ходимларининг маошлари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2 фоизли ижтимоий сўғурта маблағи ҳисобидан тўланади. Мана шу маблағ касабаси уюшмалари ҳисобида ўз вақтида ўтказиб турилса, айтиши мумкин бўлади.

Биз санаторий профилакторийдан ажиб бир ҳиссийат билан қайтдик. Ҳаёлимиздан ишчиларнинг «Бу ер - бизнинг иккинчи уйимиз» деган сўзлари ўтди. Ишқилиб бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолсин.

Незмат РАФИҚОВ.

САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАКТОРИЙ

шарофати билан корхонамизда касаллик варақаси камайиб интизом мустаҳкамланмоқда, дейди Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинисти Умринисо Давронова

ерга келаман. Чунки уйма-йма яқин, ортиқча сарф-харажатга ҳожаз йўқ. Бунинг устига шифокорларнинг юксак малакаси-ю ширинсуханликларини айтмайсизми. Вера Левушина, Жамила Раҳимовалар атрофимизда парвона. Йўланма ҳақи ҳам ўнчалик қиммат эмас. 1200 сўм атрофида. Худо хоҳласа, 24 кун дам олиб кетамиз. Тўғрисини айтсам, бу ер бизнинг иккинчи уйимиз бўлиб қолган.

Профилакторий 1978 йил бошида иш бошлаган. Замонавий бинода жойлашган саломатлик маскани 100 ўринли бўлиб, 2 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда қон-томир, нафас органлари, сўяк-бўғим, бел оғриғи, нерв хасталиғи билан келганлар даволанишади.

ҳам бор. Болалар ҳам зерикиб қолишмайди. Улар учун майдонча қурганимиз, Озёк-оқват масаласида ҳам нолимаймиз. Чунки гушт, сут маҳсулотлари, мева ва қўқатларни бирлашманамизга қарашли ёрданчи ҳўжалиқдан оламиз. Муаммолар бўлса, уни маъмурият ҳамда касабаси уюшма кўмитаси билан ҳал қиляпмиз.

Даволанувчилар қандай қилиб йўлланмага эга бўлишади? - деб сўрадик кизикчи.

Маълумки, корхонамизда кимёвий усудда ўғит ишлаб чиқаришлари учун ҳам айрим цехларда газланиш, чанглангиш ҳолатлари бор. Шу боисдан ҳам ишчи-хизматчиларимиз тиббиёт қўриқдан ўтказилиб турилади. Мабодо уларда қандайдир касал-

бизда уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари кўп болалик ва кам таъминланган оила аъзолари биринчи навбатда бепул даволанишади.

Муолажа хоналарини айландик. Нафас йўллари касалликларини даволловчи хонадаги шифокорларни қўли-қўлга тегмайди. У ердаги махсус ингалляция жиҳози 1995 йили Германиянинг «Хайер» фирмасидан келтирилган экан.

Мен бирлашманинг экстракция цехида 15 йилдан буюн ишлайман, дейди Оля Кунц. - Йиллиқ таътил на ерда ўтказаман экан деб ўйлаб ўтирмай шу ерга келдим. Чунки бу ернинг об-ҳавоси ҳам, шифокорлари ҳам кўнгидагидек. Шунинг учун келаси йили ҳам албатта шу ерда дам олишни ният қилиб

Энди уни ҳамма танийди

ОНАМГА, ОТАМГА ВА БУВИМГА ТОРТДИМ

Ёш ўзбек теннисчиси Ирода Тўлаганова - Уимблдон турнирининг қизлар орасида голиби.

Ирода учун катта теннисга йўл Тошкентдан бошланди. Ва айтиш лозимки, бу ҳол анча кеч - у 9 ёшга қирганида ози берди. Ушанда отаси Ботир Тўлаганов қизчасини қорғатга етаклаб келганди. Отаси янгилишмаган экан, орадан уч ой ўтиб-ўтмай Ирода ҳаммани ҳайратга солиб республика мусобақасида учинчи ўринни эгаллади.

— Одатда янги келганлар бир неча ойгача «девор дуқиллатишади», - дея эслайди Ироданинг биринчи тренери Тўқтин Шомирзаев. - Аммо бу қизча теннис сабоқларини ҳайрон қоларли даражада тез эгаллади. Ҳар қалай қониди бор-да: отаси - бокс бўйича, онаси - Анна Веньяминовна эса волейбол бўйича спорт усталлигига номзод; бувиси ҳам ўз вақтида велоспорт мусобақаларида дурустгина қатнашган.

Ҳадемай Ирода таниқли спорт меценати ва ҳомий Гафур Аҳмедович Раҳимов назарига тушди. У Иродага теннис сабоқларини хорижда давом эттиришни таклиф этди. Тўлаганованинг ўз эътирофича, бу кўмаксиз у бундай натижаларга эришолмас эди.

Утган йил Ирода учун омадли келди. У Уимблдон турнирида қизлар орасида финалга қадар етиб келиб, кўпчилигининг эътиборини ўзига қаратди. Бу йилги мавсумда эса катталар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам кўпроқ қатнаша бошлади. Тўлаганованинг Осие биринчилигида, Токиода ўтказилган «Джан оупен» ва Сеулдаги «Пулт кубок» турнирларида



эришган галабалари катта шов-шувга сабаб бўлди. «Ролан Гаррос» турнирининг учинчи даврасига чиққанлиги ва «Тошкент оупен» мусобақасида анчайин кучли теннисчилар билан тенгма-тенг ўйнаганлигини ҳам муваффақиятлар сирасига қўшиш мумкин.

Уимблдон турнири арафасида анча чарнаб қолганлигини сезиб, қўпгина мутахассислар Тўлаганованинг имкониятлари тўғрисида тийиллиб баҳо бергандилар. Бирок

унинг оиласи, тренерлари ва муҳлисларининг фикри бўлганча эди. Улар Иродага ишонч билдирмоқда давом этдилар.

Ярим финалда Ирода синашта дугонаси ва рақибаси украинлик Татьяна Перебийносни мағлуб этди. Ҳал қилувчи баҳсда эса россиялик Красноручкая устидан галабага эришди.

— Бу галаба мен учун жуда оғир кечди, - дейди Ирода. - Лекин, финалга етгач турнир голиби бўлишим мумкинлигини англаш менга кўч берди. Фақат сўнги асноларгача бўшашмаслик лозим эди ва бу менга насиб этди. Ҳозирча мен бу галабанинг аҳамиятини охиригача англаб етганимча йўқ; бу кеча юз берган эди, бугун эса янги кун - бўлажақ мусобақалар ҳақида ўйлаш керак. Аммо мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов табриқларини олиб, бениҳоя қувониб кетдим.

Агар Президент билан учрашиб насиб этса, нимани сураган бўлардинг?

— Бундан бундан ҳам теннисга шундай эътибор қилишларини сурайдим.

— Қандай орзунг бор?

— Жаноб Давенпорт менга тақдим қилган кумуш кубок - у Уимблдон кубогининг кирайтирилган нусхаси, бинобарин, мен қизлар орасида голиб чиққан эдим-да. Ҳақиқий - катта кубокни ҳам қўлга киритишни истаймман.

Валерий БИРЮКОВ,
«Труд»нинг ўз мухбири.
Тошкент.
Шу газетанинг 13 июл сонидан Музаффар АҲМЕДОВ таржимаси.

Мухбиримиз бонг уради

Ўтган йили Ф.Нўмонова номли Жиззах туман марказий кутубхонасида сметада белгиланган 70 минг сўмлик ўрнига 25 минг сўмлик китоб олинди, холос. Қолган маблағ бошқа мақсадларга сарфлаб юборилди. Нега шундай бўлди? Еки туман марказий кутубхонасининг китоб фонди шунчалик бойми?

Туман марказий кутубхонаси директори Тўшбуви Баҳодирова ҳамроҳлигида марказий кутубхона бўлимларини айланамиз. 37 минг 572 нусхадаги китоб фондига эга бўлган бу зиё масканидаги аҳволини кўриб, рости ачиндик. Айтишча, хизмат қилиш бўлими ночор аҳволда. Шундан тинмай чакка ўтиш оқибатида жавонларга тегиб қўйилган юзларча китоблар сифатини йўқотган.

— Қўпгина хоналарда аҳвол шундай, - изоҳ беради Т.Баҳодирова, - бино ўчтепа пахта тозалаш корхонаси балансида турибди. Биз уларга ижара ҳақи тўламаймиз ҳам.

— Капитал таъмирлашга ўтган йили 150 минг сўм маблағ ажратилибди, - юзланаман ҳамроҳимга.

— Бу маблағ етмай қолди...

Китобхоналарга хизмат қилиш бўлими ходими Шахноза Нўмонованинг айтишича, 1998 йил давомида фақат уч номдаги брошюра типиди 394 нусха китоб олинган.

— Учтепа кичик ва ўрта бизнес коллежи талабалари Президентимиз асарларини сўраб келишаётган бўлса, баддий асарларга қизиқувчилар «Шайтанат» сингари китобларни топиб беришни сурашапти. Бизда эса бу асарлардан йўқ, - дейди Ш.Нўмонова.

Республика ва маҳаллий мабтуот нашрларига обуна ҳам ўлда-жўлда. Ўқувчи марказий кутубхона ўқув залидан фақат «Туркистон», «Ўзбекистон овози», «Жиззах ҳақиқати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Жиззах овози» син-

гари бармоқ билан санарли нашрларни олиб ўқиш имконига эга. Журналлар эса умуман йўқ. Жойлардаги 38 та кутубхона филиаллари аттиги бир нусхадаги газетга обуна қилинибди холос.

Кутубхона китоб фондининг қашшоқлиги, зарур китоб ва оммавий ахборот нашрларининг деярли йўқлиги туфайли ўқувчилар сони йил сайин камайиб бормоқда. Бу ҳол туман марказий кутубхонаси ҳамда маданият бўлимлари раҳбариятини ташвишга солмайтирмикан?

Жиззах туман маданият ишлари бўлими мудири Карим Соатовнинг «фахр» билан таъкидлашича, тумандаги 69 нафар кутубхоначи қишлоқ ҳўжалиқ ишларида ҳаммиша фаол қатнашиб келадилар. Улар ўтган йили туман ҳўжалиқларида 50

тонна пахта териб, 25 гектар майдондаги гўзаларни бегона ўтлардан тозаладилар, 250 килограмм пилла топширишди... Ахир кутубхоначиларнинг асосий ишлари четда қолётгани тўғрими?

Туман болалар марказий кутубхонасидаги аҳвол ҳам ташивиши. 10599 нусхадаги китоб фондига эга бўлган бу масканининг 386 нафар ўқувчиси бор. Кутубхоначи М.Азимованинг таъкидлашича, ўқувчиларни кўпроқ қизиқтираётган адабиётлар йўқ ҳисоби. Уч йилдан буюн кутубхонага бирор нусхада болаларбоп китоб олинмаганини ачинарлидир. Шўро тузумини тарғиб этувчи асарларнинг ҳамон кутубхона жавонларидан ўрин олиб турганлигини нима билан изохлаш мумкин?

Бизнингча, туманда кутубхоначилик ишлари учун ажратилиши зарур бўлган бюджет маблағларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланмаслик тармоқда ана шундай аянчли аҳволни юзага келтирмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига қарашли Қашқадарё вилоят Нишон агро-иқтисодиёт коллежи

1999-2000 ўқув йили учун қўйдаги ихтисосликлар бўйича ўқувчиларни қабул қилади:

— Қишлоқ ва сув ҳўжалиги иқтисодиёти

— Қишлоқ ва сув ҳўжалиги Бухгалтерия ҳисоби ва аудити

— Қишлоқ ва сув ҳўжалиги молияси

— Ветеринария

— Фермер ҳўжалиқларини ташкил қилиш ва бошқариш

— Ҳўқуқшунослик ва иш юритиш

— Коллежга 11 ва 9 - синф маълумоти эга бўлган ўқувчилар қабул қилинади. 11-синфни тугатганлар тест

ассосида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳўжатларини топширишлари керак.

1. Коллеж директори номига ариза.

2. Аттестат (шаҳодатнома)нинг асл нусхаси.

3. Тиббий маълумотнома 086/у шаклида.

4. Расм 3/4 6-дона.

5. Паспорт ва харбий гувоҳнома шаҳсан қўрсатилади.

Ўқишга киришни хоҳловчи абитуриентлар бепул ётоқхона билан таъминланадилар.

Агар сиз юқори малакали иқтисодчи, бухгалтер, тафтишчи, ветеринария фелдшер, фермер ташкилотчи, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида ҳўқуқшунос бўлишни хоҳласангиз? Нишон агро-иқтисодиёт коллежига ўқишга марҳамат қилинг.

Бизнинг манзилимиз: Нишон тумани «Т